

3-SHO‘BA

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH VA UNING MINTAQALARNING RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH BILAN O‘ZARO BOG‘LIQLIGI


РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСОННИ РАҚАМЛИ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

*М.Т.Бутабоев, и.ф.д., проф
С.И.Қодиров, таянч докторант
Фаргона политехника институти*

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда ривожланишнинг инновацион йўллари жаҳондаги тараккий этган энг илғор, умумэтироф этилган стандартларга мослаштириш ва шу орқали рақобатбардошликни таъминлаб, ривожланган давлатлар қаторига кириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда халқаро майдондаги рақобат шароитида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва рақобатбардошликни таъминлашдаги вазифаларни ҳал этишда давлат сиёсатини самарали олиб бориши ҳамда инсон капи

талини сифатли шакллантириши муҳим ҳисобланади.

Инсон капиталининг сифати унинг маълумоти, касбий маҳорати, иш тажрибаси, профессионал билими, меҳнат бозорида рақобатбардошлиги каби кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Рақамли иқтисодиёт шароитида инсон капитали сифатига бўлган талаб тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бунда инсон капиталининг янги мазмунли ва сифатли рақамли компетенцияни ишлаб чиқиши зарур.



1-расм. Рақамли компетентлик элементлари.

Умумий инсон капитали инсон туғилган кундан бошлаб то 20-25 ёшгача таълим фаолияти жараёнида (оила таъсири остида), шунингдек, умумий, ўрта касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида (мактаб, техникум, университет) ўқиш жараёнида шаклланади ва ривожланади. Ушбу шаклланиш босқичи аҳоли

ва давлат томонидан инсонни умумий тайёргарлигига сармоялашга асосланади. Натижада, олинган ваколатлар касблар, мутахассислар кўпчилик ташкилотларда талабга эга. Ўз навбатида, тўпланган асосий капитал ўзига хос таркибий қисмни шакллантириш ва касбий ҳамда ижтимоий муҳитда шахсни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Компетенция модели стратегик фикрлаш бўлиб, ноаниқ, ностандарт ҳолатда тўғри қарор қабул қилишдир. Ижодкорлик компетенцияси – бу ишлаб чиқариш жараёнида янги ғояларни қўллаш демакдир.

Касбий кўникмаларни иш жараёнида расмий ва норасмий машғулотлар орқали олиш мумкин. Бу ерда инвестициялар иш берувчиларнинг компаниялари томонидан ҳам, ишчилар томонидан ихтисослашган марказларда ўқиши, узлуксиз таълим ва касбий қайта тайёрлаш даврида ҳам амалга оширилиши мумкин. Компания ичида таълим бериш, доимий ўрганиш инсон капиталига талаб катта бўлган аниқ билим, кўникма ва тажриба шаклланади ҳамда тўпланади.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт учун “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш дастури асосида Фарғона вилояти учун кадрлар тайёрлаш кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**2020-2023 йилларда Фарғона вилоятида рақамли иқтисодиёт
кадрларини тайёрлаш кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Бажариладиган вазифалар
1.	Рақамли иқтисодиётни компетентли кадрлар билан таъминлаш	а) 30 та мономарказлар очиш (шаҳар ва туманларда); б) венчур фондлар базасида дастурловчи кадрларни тайёрлаш; в) 50 мингта олий тоифадаги кадрларни ахборот технологиялар соҳасига тайёрлаш.
2.	Математика ва информатика фанларидан қобилиятли мактаб ўқувчиларини ва талабаларни қўллаб-қувватлаш.	а) 10 мингта ўта қобилиятли ўқувчиларни математика ва информатика соҳаларида ўқитиш ва грантларга тайёрлаш; б) Web дастурлаш соҳасида мутахассислар тайёрлаш; в) Маълумотларни таҳлилловчи мутахассислар тайёрлаш.
3.	Аҳолини рақамли саводхонлик ва компетентлигини ошириш.	а) 1 миллион аҳолини Online дастурида рақамли саводхонликка тайёрлаш; б) 200 мингта ходимларни рақамли компетентликка тайёрлаш (Банк-молия, солиқ ва божхона соҳаларида)

Тадқиқотда тизимли ёндашув асосида инсон капиталининг рақамли компетенциясини унинг таркибий элементлари мажмуи сифатида кўриб чиқишни ва бу билан фойдаланувчи компонентини тавсифловчи иккита кўрсаткичлар блокни ўз ичига олади.

Рақамли иқтисодиётда инсон капитали жамғарилган билимлар, кўникмалар ва ахборотлар саводхонлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда 85-90 % иш жойларида рақамли компетентликни талаб қилинмоқда. Иш вақтидаги меҳнат қобилияти, ўз касбига креатив ёндашув, доимо ўз устида ишлаши, ҳамкасбларига ғамхўрлик

қилиш, касбий маҳоратни ошириб бориш, янги билимларни эгаллаш кабилар компетентлик асосидир.

2-жадвал

Инсон капитали рақамли компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари

Компетентлик турлари бўйича кўрсаткичлар гуруҳи	Номи ва соҳаси	Ўлчов бирлиги ва изоҳлар
Фойдаланувчи	Интернет тармоғидан аҳолининг фойдаланиши	Умумий аҳоли сонидан фоиз ҳисобида
	Интернет тармоғидан аҳолининг кунлик фойдаланиши	Умумий аҳоли сонидан фоиз ҳисобида
	Кенг қамровли ўтказиш қобилиятига эга интернет тармоғига уланган фаол абонентлар сони	Йил охирида аҳолининг ҳар 100 кишига тўғри келадиган аҳоли сонидан, бирлик
	Кенг қамровли ўтказиш қобилиятига эга мобил интернет тармоғига уланган фаол абонентлар сони	Йил охирида аҳолининг ҳар 100 кишига тўғри келадиган аҳоли сонидан, бирлик
	Мобил алоқа воситаларига уланган абонентлар сони	Йил охирида аҳолининг ҳар 1000 кишига тўғри келадиган аҳоли сонидан, бирлик
Мутахассис	Шахсий (персонал) компьютерлардан фойдаланаётган ташкилотлар	Умумий ўрганилган корхоналар сонидан, фоиз ҳисобида
	Серверлардан фойдаланаётган ташкилотлар	Умумий ўрганилган корхоналар сонидан, фоиз ҳисобида
	Локал ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланаётган ташкилотлар	Умумий ўрганилган корхоналар сонидан, фоиз ҳисобида
	Булутли сервислардан фойдаланаётган ташкилотлар	Умумий ўрганилган корхоналар сонидан, фоиз ҳисобида
	Интернет тармоғидан фойдаланаётган ташкилотлар	Умумий ўрганилган корхоналар сонидан, фоиз ҳисобида

Демак, дастлаб инсон капиталининг билими (компетентлиги) таълим, соғлиқ, профессионал маҳорати ва мотивация билан изоҳланиб келинган. Кейинроқ унга сармоя киритилиб, инсон инновацион билимларни ўзлаштирди ва сифат жиҳатдан янгитдан шаклланди, яъни инсон капитали – бу талант, янги билим, қобилият, ижодкор, изланувчан шахсдир.

Юқоридаги фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, инсон капиталини шакллантириштирамасдан туриб, иқтисодий барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Инсон капиталини шакллантиришда инсон капиталига инвестиция киритишга эътиборсизлик қилиниши эса мамлакат иқтисодиёти ривожланишига салбий кўрсатишига олиб келади.

Бизга маълумки, рақамли иқтисодиёт шароитида бир қанча касбларга эҳтиёж йўқолиб, замонавий билимларга асосланган касбларга эҳтиёжлар сезиларли равишда ошади. Шунинг учун инсон ўзини устида кўпроқ ишлаши,

билим эгаллаши ва танкидий фикрлаши ҳамда асосийси рақамли компетентлигини доимо баҳолаб, уни оширишга интилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Зеленов А.В. *Управление развитием человеческого капитала в цифровой экономике.* Курск. 2020 г.с 7-13.

М. Бутабоев, Ж. Камбаров “Рақамли иқтисодиёт” ОТМ талабалари учун дарслик, Фар.П.И. 2022 й.

М. Бутабоев, Н. Махмудов, Ф. Мулайдинов, Р. Эгамбердиев “Рақамли иқтисодиёт асослари” ўқув қўлланма, Наврўз нашириёти 2020 й.

М. Бутабоев, Ж. Камбаров “Рақамли иқтисодиёт” ОТМ талабалари учун дарслик, Фар.П.И. 2023 й. 2-нашр.

Kodirov, S. (2020). *Some issues of digitalization in the industrial sector of the economy.* ISJ Theoretical & Applied Science, 12(92), 377-384.

Kodirov, S. (2021). *Issues of business cooperation in the national economy of Uzbekistan.* Экономика и социум, (7 (86)), 79-88.

Kodirov, S. I. U. (2022). *RAQAMLASHTIRISH JARAYONINING O‘ZBEKISTONDAGI HOLATI VA UNDA XALQARO REYTINGLAR AHAMIYATI.* Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali, 2(11), 142-149.

РАЗВИТИЕ ПРОЕКТОВ ГЧП В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ

И.Д.Тургель, д.э.н, профессор
Гао Тунтун, аспирант,
Институт экономики и управления,
Уральский федеральный университет

Государственно-частное партнерство (далее - ГЧП) играет важную роль в развитии информационного общества. В рамках модели ГЧП государство и частный сектор совместно используют информационные ресурсы, дополняют усилия друг друга и способствуют принятию более эффективных решений. Например, государственным ведомствам необходимо сотрудничать с организациями IT индустрии для обработки больших объемов данных о населении и получения информации для принятия государственных решений и улучшения качества государственных услуг. Частный сектор, в свою очередь, может совместно с государством решать социальные проблемы и предоставлять более качественные продукты и услуги, используя имеющиеся у него информационные ресурсы.

Использование больших данных в полной мере демонстрирует ценность государственно-частного партнерства в развитии информационного общества. Анализ данных может помочь государственным органам и предприятиям лучше понять тенденции рынка и потребности потребителей, добиться эффективности маркетинга и оптимизации принятия решений. Например, в процессе урбанизации государственные ведомства и предприятия, занимающиеся недвижимостью, совместно используют большие данные для более качественного обоснования перспектив развития городов и рынков недвижимости. Интеллектуальные транспортные системы, позволяют